

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВА САЙЁРА АДИЛОВНА

**КРЕМНИЙ НАНОЗАРРАЧАЛАРИ ФАЗОВИЙ ВА ЭЛЕКТРОН
ТУЗИЛИШИНИ КВАНТКИМЁВИЙ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

02.00.04 – Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on chemical sciences**

Усманова Сайёра Адиловна

Кремний нанозаррачалари фазовий ва электрон тузилишини
кванткимёвий тадқиқ қилиш 3

Усманова Сайёра Адиловна

Квантохимическое исследование пространственного и
электронного строения наночастиц кремния 21

Usmanova Sayyora

Quantum chemical investigation of spatial and electronic properties of
silicon nanoparticles 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати,

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВА САЙЁРА АДИЛОВНА

**КРЕМНИЙ НАНОЗАРРАЧАЛАРИ ФАЗОВИЙ ВА ЭЛЕКТРОН
ТУЗИЛИШИНИ КВАНТКИМЁВИЙ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

02.00.04 – Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кремний нанозаррачалари наноэлектрониканинг шаклланишида, қуёш элементлари сифатида, водород энергетикасида сувдан водород олиш ва уни сақлаш тизимлари ҳолида, литий-ионли батареяларда анод электродлари сифатида, атом куч микроскопларида кантилевер сифатида, квант компьютерларида яхлит занжирли элемент ҳолида ва бошқа кўплаб соҳаларда қўлланиши алоҳида аҳамиятга эга.

Дунёдаги етакчи илмий марказлар томонидан кремний нанонайчалари ва фуллеренларини тажрибада олиш катта муаммолар туғдираётгани туфайли, уларнинг физик ва кимёвий хоссаларини, жумладан фазовий конфигурацияси, электрон ва зона структураси, улардаги ўтказувчанлик ва люменесценция ҳодисасини, адсорбция ва каталитик хусусиятларини тажриба қилмасдан компьютерда моделлаштиришни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда компьютерда моделлаштириш замонавий фаннинг деярли барча соҳаларида ривожланишнинг ажралмас қисмига айланди. Компьютер симуляциялари физика, астрономия, климатология, кимё, биология, материалшунослик, иқтисодиёт, ижтимоий фанлар ва муҳандислик соҳасидаги системаларни моделлаштириш учун зарур восита бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш» ҳамда «иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш» га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кремний наноматериалларини амалда олиш бутун дунёда қийинчиликларга дуч келаётганда, уларнинг хоссаларини назарий ўрганиш ва натижаларидан маҳаллий электроника саноати ва илмий изланишларимизда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги №ПФ-5953-сонли «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни Ҳаракатлар стратегияси» ҳақидаги Фармони ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. 1991 йилда углеродли нанонайчалар ва фуллеренларнинг кашф этилиши бошқа ноорганик нанонайчалар ва фуллеренларни, хусусан, кремний асосидаги бундай моддаларни изланишларига олиб келди. Зифорт, Фаган, Занг, Дмитриев, Гуо, Байнинг назарий тадқиқотлари кремнийнинг ғовак нанотузилмаларининг эҳтимолий конфигурациялари ва тузилишини кўрсатди. Бироқ, бундай наноструктураларнинг мавжудлигини экспериментал тасдиқлаш анча кечроқ амалга оширилди, чунки бундай кремний нанолампамаларида боғларни ҳосил бўлишининг қийинлиги ва боғланмаган электронлар мавжудлиги сабабли гиперактив ва жуда беқарордирлар. Бироқ, шунга қарамай, диаметри 50 нм дан ортиқ бўлган кремний нанонайчалари биринчи марта 2002 йилда тажрибада олинди. 2005 йилда диаметри 2 нм бўлган кремний нанонайчалари олишга муваффақ бўлинди. Ясси, текис сиртга эга бўлган кремний нанонайчалар биринчи марта 2009 йилда синтез қилинди.

Фуллеренсимон кремний нанозарралари эса олимлар Кумар, Гао, Галашев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Кремний нанонайчаларига ўхшаш Si фуллеренлари ҳам юқори сирт фаоллигига эга ва бу объектларни ҳам соф ҳолда синтез қилиш қийин. Адабиётда, кремний фуллеренларининг ички бўшлиқ қисми кремний атомлари ёки бошқа элементлар билан тўлдирилган ёки уларга ўтиш металлари эндоэдрал тарзда жойлаштирилган бундай тузилмаларни тайёрлаш ва назарий ўрганиш мисоллари келтирилган.

Нанонайчалар ва фуллеренсимон кремний зарралари тузилиши бўйича кўплаб назарий тадқиқотлар ўтказилганига қарамай, бу соҳада ҳанузгача умумий натижага ҳали эришилмаган. Ушбу объектларнинг зоналари ва электрон тузилиши бўйича тадқиқотлар натижалари ҳам изчил эмас. Релятивистик эффектларсиз квант кимёвий ҳисоб-китоблар нанонайчаларнинг электр ўтказувчанлигининг металлларга хос хусусиятини, релятивистик таъсирлар ҳисобга олинганда эса улар тор зоналик яримўтказгич хусусиятларини намоён қилмоқдалар. Бундан ташқари, адабиётларда, кимёвий боғларнинг электронларининг делокализацияси механизми ва унинг кремний нанонайчалари хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида маълумотлар деярли йўқ.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф7-54-рақамли

«Наноструктуралар, ғовакли ва полимер-кремнезем гибриди нанокөмпозитион материаллар ҳосил бўлишининг физик кимёвий қонуниятлари ва механизмларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади компьютер моделлаштириш орқали кремний нанонайчалари ва фуллеренсимон заррачаларининг структураси, барқарор ҳолатлари ва электрон тузилишини, шунингдек, электронлар делокализациясига таъсир қилувчи омилларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кремний нанонайчалари ва фуллеренсимон заррачаларининг сирт тузилиши ва фазовий структурасини компьютерда моделлаштириш;

кремний нанозарралари сирти электрон тузилишини тадқиқ этиш;

нанонайчаларнинг ўлчами, шакли, тури ва структурасини уларнинг электрон тузилишига ва барқарорлигига таъсирини аниқлаш;

кремний нанозарралари сиртида электронлар делокализацияси табиатини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳар хил ўлчамдаги, шаклдаги, типдаги ва тузилишдаги кремний нанонайчалари ва фуллеренсимон кремний нанозарралари олинган.

Тадқиқотнинг предмети нанозарраларнинг фазовий тузилишининг геометрик хусусиятлари, сиртидаги электрон тузилиши тақсимооти ва кремний нанозаррачаларида уларнинг турларига боғлиқ ҳолда электронларнинг делокализацияси табиатидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Компьютер моделлаштириш ва нанонайчаларнинг тузилиш ва энергетик хусусиятларини тадқиқ қилиш Becke-Perdew алмашинув-корреляция потенциалидан фойдаланган ҳолда умумлашган градиент яқинлашувидаги функционал зичлик усули ёрдамида амалга оширилган ва натурал ва хоссалари бўйича оптималлаштирилган локаллашган орбиталларни ҳисоблаш учун JANPA компьютер дастурий таъминоти қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кремний нанонайчалари ва фуллеренсимон заррачаларидаги атомлараро боғлар узунликлари, валент ва диэдрал бурчаклар, боғнинг узилиш энергиялари, локал зичлик функционали услуби доирасида Becke-Perdew алмашинув-корреляцион потенциалидан фойдаланган ҳолда поляризация функциялари бўлган валент икки бор зета базиси асосида ҳисобланган;

илк бора компьютерда моделлаштириш ёрдамида кремний нанонайчаларининг сирт тузилиши найча турига боғлиқлиги, яъни $(n, 0)$ - типли силлиқ юзага, (n, n) - типли дағал тузилишга эга эканликлари аниқланган;

кимёвий боғланиш хусусиятларини тўғри ақс эттирадиган ва барча квант кимёвий дастурий таъминот пакетлари томонидан стандарт тарзда ҳисоблаб чиқиладиган, умумлаштирилган Вайберг-Майер индексини жорий қилиш

орқали электронларнинг делокализация даражасини аниқлашнинг янги усули яратилган;

илк бор p -электронларнинг делокализацияси структура барқарорлигининг камайишига олиб келиши натижасида нанонайчалар ва фуллеренсимон кремний тузилмаларнинг антиароматик хусусиятга эга бўлиши исботланган;

илк бор турли фуллеренсимон кремний наноэлектродлари қаторида Si_{20} ва Si_{60} кластерлари энергетик жиҳатдан энг барқарор эканликлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кремний нанонайчалари ва фуллеренсимон заррачаларида электронлар делокализацияси миқдорий қиймати ва боғланмаган электронлари сони олинган;

кремний нанонайчаларининг шакли, электронлар делокализациясининг миқдорий ифодалаш услуби, кремний нанонайчалари антиароматик хусусияти кремний наноэлектродларининг таркибий таҳлили учун қўлланилган;

«Фотон» акциядорлик жамиятида, ҳисобланган боғ узунликлари ва когезия энергиялари, металл электр ўтказувчанлик эҳтимоллиги, кремний фуллеренларининг ҳосил бўлиш ҳолатлари бўйича натижалар асосида, p -типдаги кремний асосида диффузион диодларнинг термик ва радиацион модификацияси жараёнида, дастлабки элементлар хусусиятларининг нормалдан оғишининг олдини олиш дастури яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий кванткимёвий ҳисоблаш усулларининг қўлланилиши, квант механикасида келтирилган формулалардан фойдаланилиши билан ҳамда ҳисоблаш натижаларининг адабиётларда келтирилган натижаларга мос келиши, мустақил усулларнинг қўлланилиши ва олинган маълумотларнинг мавжуд физикавий тамойиллар ҳамда тушунчаларга жавоб бериши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар кремний нанонайчалари ва фуллеренсимон заррачаларининг геометрик конфигурацияси, сиртининг тузилиши, барқарор ҳолатлари, электрон структураси бўйича билимларимизни янги маълумотлар билан бойитиб, уларнинг электр ўтказувчанлиги, кўринадиган ва ультрабинафша соҳадаги люминесценцияси, каталитик фаоллиги механизмини тушунтириш учун зарур бўлиб, бошқариладиган хусусиятларга эга материалларни яратишда муҳим бўлган ушбу жараёнда турли хил омилларнинг ўрни ҳақидаги ғояларнинг ривожланишига ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кремний нанонайчалари ва фуллеренсимон наноэлектродлари боғ узунликлари ва когезия энергиялари, кремний фуллеренларининг ҳосил бўлиши ҳолатлари, кристалл ва аморф кремний материалларини термик ва радиацион модификацияси жараёни мониторингини олиб бориш, кремний нанонайчаларининг турли электр

Ўтказувчанлик хусусияти келажакда наноўлчамли яхлит электрон схемалар яратиш учун зарур хусусияти, электронлар делокализациясининг микдорий ифодалаш ва антиароматик хусусиятни ҳисоблаш услуги органик ва анорганик молекулалар хусусиятларини тавсифлаш учун зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кремний нанозаррачалари фазовий ва электрон тузилишини кванткимёвий тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

ишлаб чиқилган усул ФА-Атех-2018-176-рақамли «Олтингугурт киришмаси билан легирланган кремний монокристал пленкалар олишнинг радиацион технологик усулини яратиш» лойиҳасида кремний нанозаррачаларининг структураси ва хоссаларининг таҳлили қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 2-декабрдаги 2/1255-2706-сон маълумотномаси). Натижада, қўшимча жараёнларни кетишини олдини олиш имконини берган;

кремний асосидаги диодлар, ток ва кучланиш чекловчилари, n-тур ўтказувчанлик асосидаги гибрид микросхемалар стабилитронларини термик ва радиацион модификациялаш учун «Фотон» АЖДа амалиётга жорий этилган («UZELTEXSANOAT» уюшмасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 04-1/2234-сон ва «Фотон» АЖнинг 2020 йил 27 ноябрдаги 485-сон маълумотномалари). Натижада, жараёнларни дастлабки элементлар хусусиятларининг меъёрдан оғишини олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республика, 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Кремний нанонайчалари ва фуллеренсимон заррачалари тадқиқотлари шарҳи”** номли биринчи бобида нанонайча ва фуллеренсимон кремний нанозарралари, уларнинг таърифи ва ўзига хос хусусиятлари тавсифланган адабиётлар шарҳланган ва асосий мазмуни атрофлича таҳлил қилинган. Турли муаллифларнинг олган натижалари бир-биридан фарқ қилиши аниқланган ва бугунги кунда кремний нанонайчалари (Si-НН) сирт тузилиши тўғрисида тўлиқ тушунча мавжуд эмас. Катта эҳтимоллик билан айтиш мумкинки, кремний нанонайчаларининг беқарорлиги ва улар синтези мураккаблигининг асосий сабаби сирт тузилишининг табиати ва сиртда боғланмаган ва радикал электронлар мавжудлигидадир. Кўплаб тадқиқотлар ўтказилишига қарамай, фуллерен сфералар сиртида электронлар делокализацияси хусусияти ва π -боғланишларнинг ароматиклиги масаласи ҳозирги кунгача очик қолмоқда.

Диссертациянинг **“Нанозаррачаларни квант кимёвий тадқиқ қилиш услублари”** номли иккинчи бобида кремний нанозаррачаларининг фазовий ва электрон тузилиши компьютер моделлаштириш орқали ўрганиш усуллари тавсифланган ва квант кимёсининг микдорий усуллари билан электронлар делокализациясини ўрганиш усуллари таҳлил қилинган.

Кремний нанозаррачаларининг тузилиши ва хусусиятларини моделлаштириш учун Becke 88 алмашилиш интегралли қўлланган чекланган Кон-Шэм усулидан фойдаланилган ва Карлсруэ гуруҳининг қутбланган функциялари қатнашган валент икки бора дзета базиси асосида, электрон корреляция Perdew 86 потенциали ёрдамида ҳисобга олинган ORCA 4.0. квант-кимёвий ҳисоблаш пакетида амалга оширилган. Кўрилатган объектларда BP88 алмашилиш-корреляция потенциалини V3LYP потенциалидан аниқлиги жиҳатидан кам эмаслиги ва шу билан бирга жуда кам ҳисоблаш ресурсларини талаб қилиши кўрсатилган. Олтибурчак кўринишидаги даврий ячейкага эга бўлган кремний нанонайчалари моделлари Мичиган университети нанонайчалар онлайн-конструктори веб-сайти ва Авогадро дастуридан фойдаланган ҳолда тузилган. Геометрияни оптималлаштириш найчанинг симметриясини сақлаган ҳолда, атомлараро боғ узунликлари, валент ва диэдрал бурчаклар учун амалга оширилди.

Электронларнинг делокализация даражасини аниқлаш учун биринчи марта умумлаштирилган Вайберг-Майер (VM) индекси киритилди. VM индекси натурал ва хоссалари бўйича оптималлаштирилган локал орбиталлар асосида JANPA дастури ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Кремний нанозаррачалари фазовий тузилиши”** номли учинчи бобида тузилиши углерод нанонайчалари каби сирти текис бўлган анъанавий кремний нанонайчалари ва сирти бошқа шаклдаги кремний нанонайчалари кўриб чиқилган.



1-расм. Кресло кўринишдаги тузилиш (5,5) Si NH: А. Фронтал кўриниш; В. Элементар халқанинг кесма ҳолдаги кўриниши; С. Гексагонал ячейка; D. Битта атомга тўғри келадиган энергия (эВ/атом); а. УННга ўхшаш текис найча; б. Аррасимон найча, с. Тишсимон конфигурация; d. Буралган шакл; е. Бироз бузилган дағал шакл.

Гарчи кўплаб муаллифларнинг аксарияти Si NH лар сиртининг қисман бузилганлигини кўрсатадиган натижаларга эришган бўлсалар-да, тадқиқотлар турли хил сирт тузилишларини берганлиги сабабли, сирт тузилиши бўйича аниқ хулосага келинмаган.

Бошқа муаллифлар томонидан кўриб чиқилган аррасимон найча, тишсимон конфигурация, буралган шакли ва текис сирт билан бирга бир оз нотекис, дағал сирт каби бузилган нанонайча зарралари текширилган (1а-расм). Бузилган шакллارни тузиш учун шартли равишда найча ўқиға перпендикуляр бўлган параллел атомларнинг қатламлари кўриб чиқилган. Шундан кейин атомларни айлана марказига ёки марказидан навбатма-навбат, FORTRAN 90 алгоритмик тилида муаллиф томонидан тузилган махсус компьютер дастури ёрдамида силжитиб, қуйидаги шакллар ясалди:

(1) аррасимон (1b-расм): ҳар бир қатлам атомларини силжитиш орқали;

(2) тишсимон (1с-расм): ҳар бир қатламнинг ҳар бир атомини силжитиш орқали;

(3) буралган (1d-расм): ҳар бир қатлам атомларини силжитиш ва силжиш йўналишини битта қатлам орқали қайтариш орқали;

(4) бироз нотекис, дағал сиртли (1e-расм): ўзгарувчан қатламлар ва қатламларни силжиш йўналишини битта ўзгарувчан қатлам орқали

ўзгартириб, ҳалқанинг марказига ва орқасига силжиши орқали ўзгарувчан атомларга эга қатламлар.

Ҳисоблаш натижаларига кўра, Si НН (5,5) туридаги найчалар учун бироз дағал шакл (1d-расм) ва текис деворли нанонайчалар (1a-расм) энергетик жиҳатдан энг қулай шакллар ҳисобланади.

Бундан ташқари ҳар хил турдаги ва диаметрдаги нанонайчаларда текис деворли ва бироз дағал Si ННлар тадқиқ этилди. Ўлчамлари (3,0), (5,0), (7,0), (9,0) бўлган «зигзаг» (n, 0) туридаги Si ННлар, ўлчамлари (3,3), (5,5), (7,7), (9,9) бўлган «кресло» (n, n) туридаги Si ННлар қаралган. Олинган натижалар (1,2 - жадваллар) (n, n) -Si НН учун бироз нотекис дағал шакл текис деворли НТ га қараганда афзалроқ эканлигини кўрсатди, ўз навбатида С ННга ўхшаш текис деворли шакл (n, 0) - Si НН ҳолатида барқарордир. Ушбу натижалар Si НН зигзаг кўринишдаги турида металл ўтказувчанликка ва кресло кўринишидаги тури эса яримўтказгич табиатига эга эканлигини аниқлашга ёрдам беради.

Текис конфигурацияли (n, 0) Si НН учун ва бироз нотекис юзали (n, n) – тури учун барқарорликни бошқа атомлар билан боғланиш текислигига перпендикуляр бўлган кремний атомларининг жуфтлашмаган ҳамда гибридланмаган р-орбиталларини жойлашишини таҳлил қилиш билан изоҳлаш мумкин. (n, 0) туридаги найча атомининг р-орбиталлари найча бўйлаб π-боғланишлар ҳосил қилади, (n, n) турида бу орбиталлар найча йўналиши перпендикуляр жойлашган π-боғланишларга эга.

1-жадвал

Текис деворли (n, 0) Si НН учун когезия энергиялари (E), найча диаметри (D), боғ узунлиги (d), валент ва диэдрал бурчаклари

НН тури	E, эВ/атом	D, Å	d, Å	Валент бурчаклар, град	Диэдрал бурчаклар, град
(3,0)	-4,65	2,73	2,30 2,38	91	54
(5,0)	-4,84	6,58	2,29 2,32	110	36
(7,0)	-4,90	8,95	2,29 2,30	115	49
(9,0)	-4,93	11,47	2,29 2,30	117	39

Текис деворли шаклдаги барқарор (n, 0) Si ННлар боғ узунликлари 2,30 Å доимий қийматда сақланиб қолади (1-жадвал), бу эксперимент қиймати 2,2 Å ва назарий 2,2 - 2,4 Å қийматлар билан яхши мос келади, аммо олтибурчаклар икки хил боғлараро бурчаклар қийматига эга бўлиб, улардан


бири найча бўйлаб 120° га, иккинчиси унга перпендикуляр 110° дан 120° гача бўлган қийматга тенгдир. Икки қиррали бурчакнинг нол қийматга интилиши текис юза ҳосил бўлишига олиб келади.

2-жадвал

Текис ён деворли (n, n) Si НН учун когезия энергияси (E), найча диаметри (D), боғ узунлиги (d), валент ва диэдрал бурчаклар

НН типи	E, эВ/атом	D, Å	d, Å	Валент бурчаклар, град	Диэдрал бурчаклар, град
(3,3)	-4,84	6.63	2,29 2,34	122 113	59,6
(5,5)	-4,90	10.68	2,30	120 115	36,9
(7,7)	-4,90	15,67	2,31	120 116	24,2
(9,9)	-4,90	21.62	2,33	120 117	22,6

Нотекис дағал деворли (n,n) Si ННда найча диаметрининг катталашини атомларо боғлар узунлигини $2,32 \text{ Å}$ гача ортишига олиб келади (2-жадвал). Айни пайтда боғлар орасидаги валент ва икки қиррали бурчаклар тораяди.

















Расм 2. (n,n) ва $(n,0)$ типли нанонайчалар когезия энергияларининг найча диаметрига боғлиқлиги графиги


2-расмдан Si НН ларнинг ҳар икки типда диаметрнинг катталари боғланиш энергиясининг ортишига ва битта умумий қийматга асимптотик интилишга олиб келишини кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Кремний фуллеренларининг шакллари ва боғланиш энергиялари

№	Атом-лар сони	шакли	$E_{\text{боғ}},$ эВ/атом	№	Атом-лар сони	шакли	$E_{\text{боғ}},$ эВ/атом
1	20		4,91	2	24		4,88
3	26		4,75	4	28		4,74
5	30		4,77	6	32		4,78
7	34		4,80	8	36		4,83
9	38		4,81	10	40		4,83
11	50		4,89	12	60		4,93
13	70		4,91	14	80		4,83
15	90		4,86	16	100		4,88

3-жадвалда Йошида кутубхонасидаги 100 тагача атом тутган фуллерен типдаги 16 та кремний кластерларининг, ўрганиб чиқилган шакллари ва боғланиш энергиялари келтирилган. Электронларнинг делокализация даражаларини аниқлаш учун локалланган орбиталларнинг хоссалари бўйича



Расм 3. Кремний фуллеренлари хосил бўлиш энергиясининг ўлчамга боғлиқлик диаграммаси


табiiй ва оптималланган тўплами базасида JANPA дастурида ҳисобланган умумлашган Вайберг-Майер индекси қўлланди. Кремний фуллеренлари учун олинган натижаларнинг кўрсатишича (3-расм), атомлар орасидаги энг катта боғланиш энергияларига Si_{20} ва Si_{60} эга бўлади.

Диссертациянинг “Нанокремнийнинг электрон тузилиши ва электронлар делокализацияси” номли тўртинчи бобида кремнийнинг фуллеренсимон ва нанонайчалари электрон тузилиши ва улардаги электрон делокализацияси ҳодисаси кўриб чиқилган.

Нанонайчаларнинг хоссалари, асосан, зарра сиртининг хоссаларига, улар эса ўз навбатида сиртдаги атомлар электрон тағтизимининг хоссаларига боғлиқ бўлади. Кремнийнинг ҳар бир атомида учтадан σ -боғ бўлгани учун тўртинчи валент электрон гибридланмай қолади ва кейинчалик ё бошқа атомлар билан π -боғ ҳосил қилишда қатнашиши, ё сиртда «узилган боғ» сифатида тўлдирилмай қолиши мумкин.


Текис ёнсиртли нанонайчаларда π -боғлар ҳосил бўлади, найчанинг икки оғзида биржинслилик бўлмаганлиги сабабли (Расм 4), юқори банд молекуляр орбиталга (ЮБМО) ва қуйи буш молекуляр орбиталга (ҚБМО), асосан, найча ўртарағидаги атомлар ҳисса беради. Буришиқли нанонайчада π -боғ йўқ ва қўшни атомлар билан σ -боғ ҳосил қилишда қатнашмаётган р-электрон орбиталлар гибридланмайди ва найча ёндеворига перпендикуляр йўналган бўлади.

Кичик диаметрли (n,0) типли нанонайчаларда юқори банд ва қуйи бўш МО лар орасидаги энергетик тирқиш нулга тенг (Расм 5), кейин найча ўлчами (5,0) га етгунча ўсиб боради ва максимал қийматга эришгач яна нулгача камаяди. Катта диаметрли нанонайчаларда бу сатҳлар аралашиб кетади ва ҳатто ЮБМО ҚБМО дан ҳам пастрок бўлиши мумкин, бу НТ металл типли ўтказувчанликка эришганини билдиради. Бундай тенденция фақат (n,0) типли найчаларда кузатилади. (n,n)- нанонайчаларда энергетик тирқиш нулга тенг ва улар металлларга ҳос электр ўтказувчанлик намоён қилиши мумкин.



Расм.4. Электронлар зичлигининг ЮБМО га (чапда) ва ҚБМО га (ўнгда) тақсимланиши а) нотекис (5,5)-ва б) текис ёнсиртли (9,0)- Si НН.

Бизнинг ҳисоблашларимиз ЮБМО ва ҚБМО орасидаги энергиялар фарқи (n,n)-типдаги наноайчалар диаметрлари ортиб бориши билан бирга ўсишини кўрсатди (Жадвал 4). ҚБМО энергиясининг қиймати найча ўлчамига боғлиқ эмас, аммо ЮБМО қиймати найча диаметри катталаниши билан бирга камайиб боради, бу ҳолат аниқ-равшан найча периметри бўйлаб ковалент боғларнинг бурчак кучланиш (зўриқиш)лари камайишига боғлиқ. Бу, ўз навбатида, банд ва бўш молекуляр орбиталлар орасидаги тирқишнинг кенгайишига олиб келади.



Юқоридагига тескари манзара (n,0) - типли Si НН ларни ўрганишда юзага келади (5-жадвал). Бу типдаги наноайчалар диаметрлари катталаниши ЮБМО ва ҚБМО орасидаги тирқишни торайишига ва кейинроқ уларнинг араланиб кетишига олиб келади.

Расм 5. (n,0) типли наноайчаларда ЮБМО ва ҚБМО орасидаги тирқиш кенглигининг найча диаметрига боғлиқлиги.

4-жадвал

(n,n) Si НТ лар учун ЮБМО ва ҚБМО энергиялари

Нотекис ёнсиртли наноайчалар	E _{ЮБМО} , эВ	E _{ҚБМО} , эВ	ЮБМО-ҚБМО тирқиш ўлчами, эВ	
			Бизнинг натижалар	адабиёт маълумоти
(3,3)	-4,9311	-4,2017	0,7294	0,22; 0,0
(5,5)	-4,7328	-4,2019	0,5309	2,938*
(7,7)	-4,6336	-4,2969	0,3367	3,238

5-жадвал

(n,0) Si НТ ларнинг ЮБМО ва ҚБМО энергиялари

Текис ёнсиртли наноайчалар	E _{ЮБМО} , эВ	E _{ҚБМО} , эВ	ЮБМО-ҚБМО тирқиш ўлчами, эВ	
			Бизнинг натижалар	адабиёт маълумоти
(3,0)	-4,8243	-4,8237	0,0006	0,22
(5,0)	-4,5691	-4,4225	0,15	0,0
(7,0)	-4,6501	-4,6647	-0,0146	3,526*
(9,0)	-4,5305	-4,5693	-0,388	1,455

3-бобда тавсифланган (n,0) Si НТ лар учун текис конфигурациянинг ва (n,n)-тип наноайчалар учун бироз нотекис дагал ёнсиртнинг барқарорлигини кремний атомларининг жуфтланмаган, гибридланмаган ва бошқа атомлар билан боғланиш текисликларига перпендикуляр жойлашган p-орбиталлар жойлашишини таҳлил қилиб тушунтириш мумкин. (n, 0) типдаги найчанинг p-орбиталлари найча бўйлаб π-боғлар ҳосил қилади, (n, n) типдагиларда эса бундай орбиталлар найча йўналишига кўндаланг жойлашган π-боғларга эга бўлади.

Электронларнинг делокализация даражасини аниқлаш учун Вайберг-Майер индексдан фойдаланилган. Вайберг-Майер индекси кимёвий боғланиш хусусиятларини тўғри акс эттиради ва барча квант кимёвий дастур пакетлари томонидан стандарт тарзда ҳисоблаб чиқилади.

Углерод фуллеренлари бензол молекуласи учун ВМ қийматлари билан ўхшаш, ВМ индекси ~1.30 га тенг деярли мукамал π-боғланишларни ҳосил қилади. Боғланмаган электронлар индекси $\xi_{\text{боғланмаган}} C_n$ фуллеренлари учун 0.01 га тенг ва бу қиймат берилган атомнинг эффектив заряди билан берилган атомнинг барча ВМ индекслари йиғиндиси ўртасидаги фарқдир. Фуллеренсимон кремний кластерларида $\xi_{\text{боғланмаган}} Si_{60}$ учун 0.03 дан Si_{24} учун 0.16 гача ташкил этади, бу эса π-боғланишнинг қисман шаклланишини кўрсатади ва кремнийнинг валент гибридланмаган p-орбиталларнинг

боғланмаган ҳолати фракциясининг қиймати бўлиб, бу кластерга радикал тус беради. 6-жадвалда фуллеренсимон кремний кластерлари учун боғланмаган ва делокализациялашган электронларнинг қийматларини ифодалаш учун қабул қилинган Вайберг-Майер индекслари кўрсатилган. Бу ерда N – гибридланмаган р-электронлар сони, шунингдек, кластер атомлари сони; $N_{\text{боғ}}$ – бошқа барча атомлар билан биргаликда атомларнинг Вайберг-Майер индекслари йиғиндиси ва унинг ташқи қобиғи электронларининг боғланишлар ҳосил бўлишидаги иштироки даражасини ифодалайди; N_1 – σ -боғланиш билан боғланган кўшни атомлар билан Вайберг-Майер индекслари йиғиндиси; $E_{\text{боғланмаган}}$ – $(N-N_{\text{боғ}})$ фарқига тенг бўлган боғланмаган гибридланмаган валент р-электронларнинг Вайберг-Майер индексларининг йиғиндиси; $E_{\text{делок}}$ – Вайберг-Майер индексларининг йиғиндиси, бу электронларни делокализация даражасининг кўрсаткичи бўлиб, $(N_{\text{боғ}}-N_1)$ айирмадан ҳисобланади; $\xi_{\text{делок}}$ – ҳар бир π -электрон учун Вайберг-Майер делокализация индекси; $\xi_{\text{боғланмаган}}$ – ҳар бир гибридланмаган валент р-электрон учун боғланмаган электронларнинг Вайберг-Майер индекси.

6-жадвал


Турли хил ичи бўш Si кластерлар учун Вайберг-Майер индекслари

N	$N_{\text{боғ}}$	N_1	$E_{\text{боғланмаган}}$	$E_{\text{делок}}$	$\xi_{\text{делок}}$	$\xi_{\text{боғланмаган}}$
20	77,00	64,69	3,00	12,31	0,72	0,15
24	92,13	75,81	3,87	16,31	0,81	0,16
32	125,25	108,51	2,75	16,74	0,57	0,09
40	157,63	139,17	2,37	18,45	0,49	0,06
50	197,78	176,37	2,22	21,41	0,45	0,04
60	238,17	215,69	1,83	22,47	0,39	0,03
70	275,34	244,79	4,66	30,55	0,47	0,07

6-расмдан кўринадик, кластер ўлчамининг ортиши билан делокализация ва валент қобиғи электронларининг боғланмаганлик даражаси кластер ўлчами 60 атомга етгунича камаяди ва яна бир хилда ўсиб боради. Ушбу анъана Si_{24} фуллеренида бузилади. Кластер ўлчами ортиши билан π -электронларнинг делокализация даражасининг камайиши кремний сферик тизимларида углероддан фарқли ўлароқ, структураларнинг эгрилиги р-орбиталларнинг устма-уст тушиши ортишига ва кейинчалик электронларнинг делокализацияси ўсишига олиб келишини кўрсатди.

Шу билан бирга, электронлар делокализациясининг ўсиши эгриликка эга структураларни беқарорлашишига олиб келади. Бу шундай структураларнинг антиароматик табиати ва бундай молекулалардаги ҳар қандай делокализация атомлар орасидаги боғланиш энергиясининг пасайишига олиб келади. Шундай қилиб, Si_{20} и Si_{60} кремний фуллеренлари атомлар орасидаги боғланишлар ҳосил бўлишида қатнашмайдиган эркин р-электронларнинг

минимал миқдори ва π - электронларнинг делокализация даражасининг энг паст қиймати туфайли бошқа шакллар орасида энг барқарор ҳисобланади. Шунинг учун электронлар делокализациясининг камайиши кимёвий боғланиш энергиясининг ортишига олиб келади. Бундай типдаги нанонайчаларда электронларнинг юқори даражадаги делокализацияси ЮБМО ва ҚБМО орасидаги тирқишнинг торайишига олиб келади ва электрон ўтказувчанликни осонлаштиради. Шундай қилиб, $(n,0)$ типли



6-расм. Электроннинг боғланмаганлік ва делокализация даражасини кластерлар ўлчамига боғлиқлиги

нанонайчалар электр ўтказувчанлигининг металларга хослиги бундай структуралардаги π -электронларнинг юқори даражадаги делокализацияси билан яхши тушунтирилади. (n,n) типли нанонайчаларда атомлар икки типга ажратилади, улар атомлардаги зарядлари, делокализацияланиш кўрсаткичлари ва электронларнинг боғланмаслик даражалари

билан ўзаро фарқ қилади (7, 8-жадвал). Агар найчаларнинг барча ўлчамлари учун боғланмаган электронлар кўрсаткичи нисбатан доимий катталиқ бўлиб чиққан бўлса, атомларнинг иккита типи учун делокализацияланган электронлар кўрсаткичлари ўзаро жиддий фарқ қилувчи қийматларга эга ва найча диаметрлари катталашган сари бир-бирига яқинлашиб боради. (n,n) -нанонайчанинг кенглиги ортган сари делокализация кўрсаткичи $\xi_{\text{делок}}$ қийматлари ва электронлар боғланмаганлиги $\xi_{\text{б-маган}}$ қийматларининг

7-жадвал

Турли $(n,0)$ типдаги Si нанонайчалари учун Вайберг-Майер индекслари

НН тури	N	$N_{\text{боғ}}$	N_1	$\xi_{\text{делок}}$	$\xi_{\text{б-маган}}$
(3,0)	4,00	3,86	3,05	0,81	0,14
(5,0)	4,00	3,97	3,51	0,46	0,03
(7,0)	4,00	4,00	3,66	0,34	0

номутаносиблиги силлиқлашади, бу валент σ -боғлар ва боғ ҳосил қилмаган р-орбиталлар орасидаги бурчак қийматининг тўғри чизикқа яқинлашиши билан боғланади. Делокализациядаги фарқларнинг силлиқлашиши ЮБМО ва ҚБМО орасидаги тирқишнинг бироз торайишига олиб келади.

Турли (n,n) типдаги Si нанонайчалари учун Вайберг-Майер индекслари

НН тури	N	N _{боғ}	N ₁	$\xi_{\text{делок}}$	$\xi_{\text{б-маган}}$
(3,3)	4,06	3,90	3,40	0,50	0,16
	3,89	3,77	3,40	0,23	0,12
(5,5)	4,06	3,93	3,55	0,38	0,13
	3,89	3,87	3,56	0,31	0,02
(7,7)	4,04	3,89	3,50	0,39	0,15
	3,96	3,83	3,47	0,36	0,13

Кремний нанонайчалари учун олинган $\xi_{\text{делок}}$ ва $\xi_{\text{б-маган}}$ ларнинг қийматларини молекулалар ва углерод нанонайчалари учун стандарт ҳисобланган бензол молекуласи кўрсаткичлари билан солиштирамиз. Бензол молекуласи учун $\xi_{\text{делок}}=0,20$ ва $\xi_{\text{б-маган}}=0,04$, углероднинг (3,0) нанонайчаси учун $\xi_{\text{делок}}=0,60$ ва $\xi_{\text{б-маган}}=0,004$.

ХУЛОСА

1. Нанонайча турига боғлиқ равишда кремний нанонайчалари сирти турли структурага эга бўлиши топилган. Таркибида 100 тагача атом тутган кремний фуллеренлари қаторида Si₂₀ ва Si₆₀ кластерлари энг юқори боғ энергиясига эга эканлиги кўрсатилди.

2. Кичик диаметрли бир қаватли кремний нанонайчалар ва фуллеренсимон зарраларнинг барқарор эмаслиги ва амалиётда олиниши қийинлиги уларнинг қисман радикал характерга эга эканлиги билан изоҳланди.

3. Электрон делокализацияси ва боғланмаганлик меъёри сифатида киритилган умумлашган Вайберг-Майер индекси органик ва ноорганик бирикмалардаги кимёвий боғларни таҳлил қилиш учун тавсия қилинди.

4. Кремний нанонайчаларининг найча турига боғлиқ равишда турли шаклларда бўлиши, электронлар делокализациясини миқдорий жиҳатдан ифодалаш услуби, фуллеренсимон ва нанонайча кўринишидаги кремний нанозаррачаларининг антиароматик хусусиятга эга бўлиши Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институтида олинган кремний нанозаррачаларининг таркибий таҳлили ва уни модификациялаш жараёнида мавжуд четланишлар механизмини ўрганиш учун тавсия қилинди.

5. Кремнийнинг наноўлчамли заррачалари учун олинган боғлар узунлиги ва ҳосил бўлиш энергиялари, электронлар юқори делокализацияси оқибатида металл электр ўтказувчанлик пайдо бўлиши мумкинлиги “Фотон” акциядорлик жамиятида n-типдаги кремний асосида диффузион диодларнинг термик ва радиацион модификацияси пайтида хусусиятларининг оғишларини кузатиш ва прогноз қилиш жараёнига тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

УСМАНОВА САЙЁРА АДИЛОВНА

**КВАНТОХИМИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОСТРАНСТВЕННОГО
И ЭЛЕКТРОННОГО СТРОЕНИЯ НАНОЧАСТИЦ КРЕМНИЯ**

02.00.04 – Физическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/K120

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-kimyo.nuuz.uz) и информационно-образовательном портале Ziyonet по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Акбаров Хамдам Икрамович**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты **Рузимуродов Олим Нарбекович,**
доктор химических наук

Садиқов Илхам Исмаилович
доктор технических наук

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «30» 12 2020 г. в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана по адресу: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24;
e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за № 125). Адрес: 100174, г.Ташкент, Университетская, 4. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99824) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «19» 12 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 15 от 19.12.2020 года).




Х.Т. Шарипов
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней
д.х.н., профессор


Д.А. Гафурова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней, д.х.н.


М.Г. Мухамедиев
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведутся интенсивные исследования по применению наночастиц кремния в создании наноэлектроники, в роли солнечных элементов, в водородной энергетике в качестве катализатора для получения водорода из воды и емкости для его хранения, в качестве анодных электродов в литий-ионных аккумуляторах, как кантилевер в атомных силовых микроскопах, цельных элементов в квантовых компьютерах и во многих других областях.

Ведущие мировые научные центры, из-за проблем экспериментального получения кремниевых наночастиц и фуллеренов, уделяют особое внимание компьютерному моделированию без проведения опытов их физических и химических свойств, включая пространственную конфигурацию, электронную и зонную структуру, проводимость и люминесценцию, адсорбционные и каталитические свойства.

В нашей стране компьютерное моделирование стало неотъемлемой частью развития всех отраслей современной науки. Компьютерные симуляции стали необходимым средством моделирования систем в области физики, астрономии, климатологии, химии, биологии, материаловедении, экономики, социальных наук и инженерных дисциплин. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан [Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы / Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года] намечены важные задачи, направленные на реализацию «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках», и «сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики». В связи с этим, когда практическое применение кремниевых наноматериалов во всем мире сталкивается с трудностями, важно теоретические исследования их свойств и использование результатов в местной электронной промышленности и научных исследованиях.

Данное диссертационное исследование направлено на выполнение задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 2 марта 2020 года №ПФ-5953 «О Государственной программе в Год науки, просвещения и цифровой экономики» и Указе Президента Республики Узбекистан №ПФ-4947«Действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также в Указе Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной

привлекательности» и других нормативных правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химия, химическая технология и нано технология».

Степень изученности проблемы. Открытие углеродных нанотрубок и фуллеренов в 1991 году привело к интенсивным исследованиям поиска других неорганических нанотрубок и фуллеренов, в частности на основе кремния. Теоретические исследования Зифорта, Фагана, Занга, Дмитриева, Гуо, Бай показали возможные конфигурации и строение полых кремниевых наноструктур. Однако, экспериментальное подтверждение существования таких наноструктур было сделано значительно позже, так как подобные кремниевые нанобразования гиперактивны и очень нестабильны по причине трудности образования в них π -связи и наличия несвязанных электронов. Тем не менее, кремниевые нанотрубки диаметром более чем 50 нм впервые были получены в 2002 году. В 2005 году получены нанотрубки кремния диаметром в 2 нм. Кремниевые нанотрубки с плоской поверхностью впервые получены в 2009 году.

Кремниевые фуллерены были исследованы учеными Кумар, Гао, Галашев и другими. Аналогично кремниевым нанотрубкам, Si фуллерены обладают высокой поверхностной активностью и эти объекты также трудно синтезировать в чистом виде. В литературе приводятся примеры получения и теоретического исследования подобных структур, представляющих собой либо заполненные атомами кремния или других элементов, либо помещенными эндоэдрально в них металлами переходных периодов.

Несмотря на огромное количество теоретических исследований структуры нанотрубок и фуллереноподобных частиц кремния, единой картины до сих пор не достигнуто. Также неоднозначны результаты работ по изучению электронной и зонной структуры этих объектов. Квантовохимические расчеты без учета релятивистских эффектов показывают металлический характер электропроводимости нанотрубок, тогда как вычисления с учетом релятивистских эффектов указывают на узкозонную полупроводниковую природу. Кроме того, в литературе отсутствуют данные, связанные с механизмом делокализации электронов химических связей и их связи со свойствами нанотрубок кремния.

